

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Омма билан алоқани мустаҳкамлаш—
муваффақиятнинг гарови

Завод партия ташкилоти ўз ишчи-ни КИСС XX съезди қарорлари асосида қайта қуриб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва корхона кўрсаткичларини ахшилатиш учун қуришда яхши натижаларга эришмоқда. Коммунистлар аса ишлаб чиқаришдаги ўзларининг авангардик ролларини яхши ангаганлари ва ўз ишларининг натижаларини учун юксак жавобгарлигини чуқур ҳис этганлари ҳолда, корхона коллектив ўртасида ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Партия ташкилоти кейинги вақтда ўзининг иш фаолиятида асосий эътиборини кўпроқ партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишлар савиясини янада оширишга, ишлаб формализм ва бюрократизмга қарши курашни кучайтиришга қаратади.

Бизда илгари партия йиғилишлари ўтказилишига ўн катта иш ҳисобланади. Йиғилишда коммунистларнинг тузил қатнаштириш, улардан иштироки бўлиш талаб қилинади. Лекин йиғилишга оддиндан пухта тайёргарлик қўйилмас, унинг роляни жиҳатдан юксак савияда ўқитишга аҳамият берилмас эди. Шунинг учун ҳам коммунистлар партия йиғилишга эъри иштиё билан қатнашмас ва унда ақтқи иштирок этмас эдилар. Йиғилишда қабул қилинган тадбирларнинг ишчилик билан бажарилиши, йиғилишнинг таъсирчанлиги корхона коллектив ўртасида унчаллик сезилмасди. Ҳатто, коммунистларнинг йиғилишга қатнашиб келиш одат тусига кириб қолган эди.

Эндиликда, партия ташкилоти ўз ишини қайта қуриб олганидан сўнг коммунистларнинг ўзлари йиғилишларга актив қатнашадиган бўлиб қолдилар. Чунки улар партия йиғилишда энг муҳим масалалар муҳокама қилинишини оддиндан билдирган бўдилар. Партия йиғилишларида эса шу кунинг энг ақтуал масалалари муҳокама қилинмоқда. Ҳозирги вақтда коммунистларнинг қалари бутун завод коллективини қизиқтирган масалаларни партия йиғилишга кўтариб чиқаётдилар.

Утган партия йиғилишларидан бирини корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот танларини қамайтириш масаласи кенг муҳокама қилинди. Чунки корхонада иш туғри ташкил этилмаганлиги туфайли ишлаб чиқариладиган машиналарнинг танархиси ортди, металлларнинг кўпалаб қийинлиги чикини корхонага катта зарар келтирди. Чунончи, корхонада ўтган йилнинг биринчи ярмида асбоб-ускуналарнинг сикиниши ва металлларнинг кўпалаб қийинлиги чикиниши натижада 500 минг сўмга яқин зарар кўрган эди. Бу ҳол партия йиғилишида муҳокама қилинди. Коммунистларнинг Бондарев, Магденко, Старобинская ўртоқлар сўзга чиқиб, цехлардаги материал сқдларини марказлаштириш масаласини қўйдилар. Шундан кейин, йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан Пашковская, Ярова, Загарядчук, Борисов ва Рахмонов ўртоқлардан иборат махсус комиссия тузилди. Улар цехларда ишнинг ташкил этилишини синчиклаб ўрганиб чиқдилар. Комиссия навбатдаги йиғилишда ўз амалий тақлифи билан чиқди. Кенг муҳокамадан сўнг материал ва ас-

боб-ускуналарнинг берилиши марказлаштирилди ва ишлага шаксий жавобгарлик оширилди. Натижада цехлардаги ортиқча харажатлар туғатилиб, инструментларнинг ишдан чиқishi анча қамайди, деталларнинг ортиқча сарф қилиниши йўқотилди. Цех ва бригадаларда хўжалик ҳисоб-и жорий этилди. Бу тадбирларнинг натижа амалга оширилиши ўзининг жойибий натижаларини кўрсатди. Учинчи кварталда меҳнат унумдорлиги бирмунча ортди ва маҳсулот танларини аввалгига қараганда 20,7 процент арзонлашди.

Илгари завод партия бюросида бирон масала муҳокама қилинадиган бўлса, ун оддиндан бир ёки икки кишига ўрганиб чиқилиш топширилган эди. Бундай қилинганда кўп вақт қўриладиган масала ҳар томонлама чуқур ўрганилмай қоларди. Ҳатто, айрим биро аъзолари муҳокама қилинадиган масаланинг нимагини яхши билмас эдилар. Шунинг учун ҳам муҳокама қилинган масала юзасидан бутун жавобгарлик партия бюроси секретариатининг зиммасига тушарди. Ҳозир аса масала бутунлай бошқача ҳал этилмоқда. Масалан, партия бюроси мажлисларидан бирини оддиндан цехнинг ордада қолши сабаб муҳокама қилинди. Чунки бу цехнинг ёмон ишланиш бошқа цехларнинг ҳам бир меърада ишланишга ҳалақит беради. Шунинг учун цехдаги қамчилликларни атрофида синчиклаб ўрганиш тадбирлари белгиланди. Шу мақсадда махсус комиссия тузилди, уларга кенг ишчилик чуқур ўрганиш топширилди.

Комиссия бу ишга коммунистларнинг актив жалаб этиб, уларнинг иштирокида цехдаги қамчилликларни аниқлади. Сўнгра цех иши бюроси мажлисида иккинчи марта муҳокама қилинди. Бунда бошқа цех бошқалилари ва мастерлари ҳам қатнашдилар. Қамчилликлар ва уларни келтириб чиқарган сабаблар конкрет фактлар билан очиб ташланди ва жавобгар шахслар қаттиқ танқид қилинди. Кейинчилик цех коллективини ўртасида меҳнат интизоми яхшилангди, ишлаб чиқариш маданияти оширилди.

Ҳозир бу цех коллективни цехларaro социалистик мусобақада галиб чиқиб, завод дирекцияси, партия ва касаб сово ташкилотларининг кўчма қизил байроғини олинган муваффақ бўлди. Шунинг ҳам айтиш керакки, илгари партия комитети йиғилишларида қандай масала муҳокама қилинмасин, унга кўпроқ раҳбар ҳодимлар қатнашарди. Ҳозир аса ундай эмас. Бундай йиғилишларга цех бошқалилари билан биргаликда мастерлар, айниқса ишлаб чиқариш масаласи қўрилганда оддий ишчилар кўпроқ қатнашиб, уларнинг амалий тақлифлари ва фойдала маслаҳатлари олинмоқда. Бу тадбир завод партия бюроси мажлисида ҳар қандай масалани ҳам чуқур аниқлиш имкониятини беради. Ҳозир комитетда белгиланган ҳар бир тадбир цех мастеридан тортиб оддий ишчиларга ҳам улаш қилинадиган бўлди. Бу аса бизни йиғилишларда унудангузун резолюциялар қабул қилиш каби ортиқча даҳмақлардан қутқариб, омма билан жонди алоқа бора-лаш имкониятини берди.

Завод партия бюроси ишида

оперативчилик анча кучайтирилди. Коммунистлар, Ҳатто оддий ишчилар ҳам ишлаб чиқаришга доир ҳар қандай масала юзасидан завод партия бюросига мувожаат қиладиган, масалани шу жойининг ўзидан ҳал этидиган бўлиб қолдилар.

Яқинда завод партия бюросига биринчи цехнинг коммунистлари цехдаги цилидрини ремонт қилиш ва прессларни янгилан масаласи юзасидан мувожаат қилдилар. Биз бу таклифини дарҳол завод дирекциясини одига қўйдик. Бу масала БРИЗ да ҳам кенг муҳокама қилинди. Инженер-техник ҳодимларнинг диққат-эътибори шу масалага жалб этилди. Натижада цех коммунистлари кўтариб чиққан тақлиф муваффақиятга амалга оширилди. Бу операцияда илгари 40 киши ишлай бўлса, эндиликда 11 киши ишлай бўлган бўлди. Меҳнат процесси оғир бўлганлигидан бу цехда илгари факатгина эрлар ишлай эдилар. Иш процесслари механизациялаштирилгандан кейин эса, ҳозир барча операцияларда хотин-қизлар ишламоқдалар.

Кейинги вақтда цех партия ташкилотларининг ҳам активлиги ортди. Илгари улар деярли завод партия бюросининг қўрсатмасини кутар эдилар. Биз кўп вақт цехдаги коммунистларнинг талаб ва аҳтиёжларига қарамай, йиғилиш ўтказилиши юқоридан туриб белгилардик. Ҳозир ишлаб чиқаришда кўтарилган масалаларни муҳокама қилишга қаратилган йиғилишларни цех партия ташкилотларининг ўзи ўтказаятир. Яқинда инструментал цехи партия ташкилотининг йиғилиши ўтказилиб, унда РПН-192-маркали янги машинанинг асосий тирок ўзлаштириш масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишга партияеиз активлар ҳам қатнашди.

Цех партия ташкилотлари ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишчилар кучайтиришга ҳам катта аътибор беришмоқдалар. Ҳар бир цехда агитколлектив ишлаб турибди. Агитаторлар дам олиш вақти ва ишдан кейин ишчилар ўртасида турли темаларда сўхбатлар ўтказаятирлар. Сўхбат ва лекцияларни ўқишда раҳбар ҳодимлардан тортиб, кўп йиллик тажрибага эга бўлган оддий ишчилар ва инженер-техник ҳодимлар актив қатнашмоқдалар. Кўп вақт ишлаб чиқаришга доир лекцияларни цех инженерлари ва мастерларнинг ўзлари ўқимоқдалар. Масалан, цех бошлиги коммунист ўртоқ Аксенов «Қуво цехда эритилган қопиларга қўйилинган янги усули нимадан бери» деган темада лекция ўқиди. Цех партия ташкилотлари коммунистларнинг актив қатнашгани билан ҳамда агитаторларнинг ёрдамида «Техника варақаси», «Модина», «Тревога», «Крокодиллар чиқариб, илгор тажрибани кенг омаллаштирмоқдалар ва қамчилликларни бартараф қилишда ёрдам беришмоқдалар.

Завод партия ташкилоти бундан кейин ҳам коммунистлар ва партияеиз активларга таянган ҳолда иш қўриб ҳалда омма билан алоқани тинмай мустаҳкамлаб боради.

И. П. РИБАЛКО,

«Таштекстмаш» заводи партия бюросининг секретари.

Сайловни пухта тайёргарлик билан кутиб олайлик!

★ ★ ★
КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ

ХАЛҚ ҲИТОВЧИЛАРИ

1927 йилнинг кузи... Жойлардаги янги очилган мактабларда миллий республикаларнинг ўзига етишиб чиққан кадрлар дарс бера бошлайдилар. Ҳабиба Иноятва ҳам ўқитувчилик фаолиятини худди шу йилда бошлади. Ушанган бери 30 йил ўтди. Ёш, гайратли жувон Ҳабиба Иноятванинг шу йиллар ичида қорачилари оқ аралани. Бу унинг ёш аълоли меҳрибон оналардек тарбиялашининг, узоқ йиллик шарофли меҳнатининг ёрқин нишонасидир.

Ҳабиба она педагогик фаолиятининг дастлабки йилини эсгаб, дейди:

— Сифига кирганимда ўзимни йўқотиб қўярдим. Тажрибасизлик-да. Йиллар давомида ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланиш, педагогик коллективнинг ёрдами туфайли ўқитувчилик касбининг ағаллаб олдим. Дастлабки йилларда диққатимни оширган болаларни энди ўз фарзандимдек севиб қолганман.

Ҳозир Ҳабиба Иноятва Тошкент шаҳар, Октябрь районидagi Димитров номида 24-мактабда ўқитувчилик қилади. 1953 йилда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи деган Фахрий унвон олишга муассар бўлган Ҳабиба Иноятва меҳнатқашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига учинчи марта кандидат қилиб кўрсатилди.

Халқнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган Ҳабиба Иноятва ишчи ривожланиши, сайловчиларнинг турли нақазларини бажариш соҳасида жон-дили билан ишлайди. Дарсдан бўш вақтларида саз ун кўпинча хонадонларда, маҳалаларда, худлас, халқ орасида учуртаси.

— Мен 30 йиллик педагогик давримда жуза кўп болаларни ўқитдим. Ҳозир уларнинг кўпинчилиги турли соҳаларда ишлаб, халқ ва Ватанга сазоват билан хизмат қилмоқдалар. Мен уларни кўриб фарахланаман. — дейди Ҳабиба Иноятва.

Ҳабиба Иноятва кандидатураси овозга қўйил учун 388-сайлов округидан бўйхатга олинди. Ҳурматли



Х. ИНОЯТОВА.

ўқитувчи Ҳабиба она, шубҳасиз, бу гал ҳам халқ ишончини оқлайди.

Улуг Ватан уруши бошланган йили Мухиба Тошкентдаги 14-мактабнинг 10-синфини тамомлаб, етуқлик аттестатни олди. 1942 йилнинг сентябрийдан аса Мухиба Қодирова Тошкентдаги В. И. Ленин номида 28-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб бошлади. Уруш йилларидаги қийинчиликларга қарамай, Мухиба ўз ҳунарини севиб, сабот ва чилан билан ўқитувчилик қила бошлади ва Тошкент кечки педагогика институтида ўқиниш давом эттирди. 1947 йилда институтни муваффақият билан тамомлаб, мактабда тарихдан дарс бера бошлад.

— Ҳар ким ўз касбининг севса, ундан роҳат топади. Ҳурматга, ишончга сазовор бўлади. — дейди Мухиба Қодирова.

У ўтган сайловда меҳнатқашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутат қилиб сайланган эди. Шу давр ичида Мухиба Қодирова бир қанча нақазларни бажариб, сайловчилар ишончини оқлади. Маҳалаларнинг аъло билими, айрим



М. ҚОДИРОВА.

кекса сайловчиларнинг уй-жойларини ремонт қилириб беришга ўз депутатлиги бурчини садоқат билан бажарди. Мухиба Қодирова «Ривож» маҳалласида умумий-мажбурий таълимни тула амалга оширишда бирорта ўқувчининг ҳам мактабдан четда қолмаслигига алоҳида эътибор беради.

Ўқитувчилар, ўқувчилар, маҳалла аҳолиси гайратли бу ўқитувчини жуза ҳурмат қилдилар. У хонадонларга келганида уни худди шу оладининг фарзандидай самимий қабул қилишарди.

Мухиба Қодирова меҳнатқашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилди ва овозга қўйил учун 393-сайлов округидан бўйхатга олинди.

Муносиб кандидатлар Ҳабиба Иноятва ва Мухиба Қодирова депутат тақлифига қаттиқ қўрсатилди ва овозга қўйил учун 393-сайлов округидан бўйхатга олинди.

— Ю. ХАМДАМОВ, Р. АЛЬБНОВ фотолари.

Мўл ҳосил устаси

Гулистон районидagi Крупская номида колхоз аъзолари шу кунларда пахтадан мўл ҳосил еттиштириш учун курашятирлар. Колхоз аъзолари ўтган йили 850 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давалта 29,6 центнердан пахта топширдилар. Кўпгина бригадаларнинг аъзолари пахта еттиштиришнинг илгор, прогрессив усулларини кенг қўлланиш, ақинга машина билан икки томонлама ишлов бериш туфайли катта майдонларда мўл ҳосил еттиштиришга муваффақ бўлишар. Коммунист ўртоқ Ортиқбой ака, — бригадани аъзолари ўқитиб фидокорона меҳнат қилишни туфайли ершиди. Улар қилган ҳалол меҳнатларидан яхши баҳраман бўлишар. Колхозимиз ўтган йил

8 миллион 204 минг сўм даромад қилди. Бир меҳнат кўнига 15 сўм 28 тийиндан пул, 2,3 килограммдан дам тақсимланди. Бригаданининг даромади аса 1,5 миллион сўмин ташкил этди.

Маълум бўлинича, ўртоқ Отақул олинсининг даромади ҳам Эркаб бовларининг даромадидан қолшимас экан.

Ўртоқ Отақулвон колхозда мўл ҳосил устаси, тажрибали пахтакор сифатида яхши обрў қозонган. Ахир у 1940 йилдан бунд бригадир бўлиб ишлайди, 1951 йилдан бунд правление аъзоси. Дастлабки йиллар бригадда гектаридан 30 центнер атрафда ҳосил олинган. Бригада аъзолари пахта майдонини аста-секин кенгайтириш билан ҳосилни ҳам муттасил ошириб бормоқдалар. Улар 1955 йили 75 гектар майдонда 37 центнердан ҳосил еттиштирдилар. 1956 йили аса йилдан ўзлаштирилган ерлар

ҳисобига пахта майдонини 45 гектарга кенгайтириб, ҳосилдорлигини гектар бошига 5 центнердан оширишга муваффақ бўлишар.

Бригадада пахтадан мўл ҳосил еттиштириш таъминлангани учун ўртоқ Отақулвон 1944 — 1946 йилларда Бутуниттифоқ қилпоқ хўжалик вистақасининг кандидати қилиб тасдиқланди ва икки Олтин медал билан мукофотланди. Утган йили партия ва ҳукуматнинг унинг меҳнатига юксак баҳо бердилар. Ўртоқ Отақулвон Ленин ордени билан мукофотланди.

Колхоз аъзолари ҳалол ва фидокорона меҳнат, ташкилотчилик билан катта обрў қозонган мўл ҳосил устаси ўртоқ Отақулвон юксак ишонч билидир, уни 222-Гулистон сайлов округидан област Советига, 26-Крупская сайлов округидан Крестянский қилпоқ Советига депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Ҳ. АБДУСАМОВ.

Ф. ПЕТРОВ.

Умумий-мажбурий таълим плани
нима учун бажарилмаётир?

Тошкент областида кейинги йилларда мактаблар тармоғи анча кенгайди. Мактабларда ишлаб турган ўқитувчилар сифи олий маъзулот педагоглар ҳисобига мустаҳкамланди. Ўқув-тарбия сифати яхшиланди. Политехник таълимнинг кенг жорий қилишда каттагина муваффақиятлар қўлга киритилди.

Бироқ област мактабларида умумий-мажбурий таълим қонунини бажаришда айтарлиқ ўзгариш бўлмаётир.

Умумий-мажбурий таълим қонунининг бажарилиши масаласи ҳар йили област партия комитети ва област ижроия комитетининг йиғилишларида муҳокама қилинади. Област халқ маорифи бўлимининг раҳбарлиги ишлага жиддий қамчилликлар очиб ташланди. Бўлимининг собиқ мудир ўртоқ М. Мақсудов ишдаги мавжуд қамчилликларни бартараф қилиш ҳақида кўп ваъда берди. Лекин бу муҳим ишда кўзга кўринилган бурлини ясамасди.

Бу ўқув йилида ҳам област бўйича ўқув ёшларини 8530 бола мактабларга тортилмади. Кўпгина бола кўз йили давомида ҳар хил бўлмағур баҳоналар билан мактаблардан кетиб қолди. Ҳар йилгидек бу йил ҳам ўқиниш тортилмаган ва мактаблардан кетиб қолган болаларнинг кўпчилигини ўзбек қизлари ташкил этади. Базин район ва мактабларда бу соҳада жуза ачинади аҳволи кўриш мумкин. Шу ўқув йилининг ўзида Охангарон районидagi 11-мактабнинг 6-10-синфларида ўқиб турган Бахри Сунонова, Малика Қўнишева, Шарофат Қўболова, Гулаваз Отонова, Ҳолбуя Қаршибоева, Азиза Муродова, Хажар Абдулаева, Зухра Матлонова, Тобушан Холбоева, Хури Насоқовна каби қизлар ўқиниш сабабига ташлаб кетдилар. Мактаб директори

Х. Мусоев ва бошлангич партия ташкилотининг секретари Х. Санчаров ўртоқлар бу қизларни 10-синфни битиргичча мактабдан кетказмаслик тадбирларини кўрмидилар. Райондаги 17 ва 19-мактабларда аҳвол бундан ҳам ёмон.

Гулистон район Красноармейск қилпоқ советида 2 та етти йиллик, битта ўрта мактаб бор. Шу ўқув йилида мактаб раҳбарларининг айби билан ўқув ёшларини 41 бола бўйхатга олинмади. Ўқув йили давомида аса 50 дам ортиқ бола мактаблардан сабабига кетиб қолди. Биринча 2-ўрта мактабда 28 ўқувчи бўйхатга олинмади ва 23 ўқувчи ўқиниш ташлаб кетди. Сталинобод қилпоқ советидаги 10-ўрта мактабнинг фақат 5-синфига ўқиниш доим бўлган 9 бола ўқув йили бошлангандан бери мактабга қимылди. Бу мактабда ота-оналар комитети тузилмаган. Мактаб микро райони ажратилмаган. Ўқув ёшларини болаларнинг бўйхати мактаб директори ўртоқ М. Улжаевнинг бўйруғи билан қилпоқ советининг хўжалик тадбирларини кўчириб олинган.

Корасун районидagi 1-ўрта мактаб 6-синф ўқувчиларидан Бўриева, Малика Бойматова, Очилова, Хайтова, Жумаева, 7-синф ўқувчиларидан Муродова, Юнусова, Чердибаева, Жарнова, 8-синф ўқувчилари М. Абдуллаева, 4-синф ўқувчилари Алиева ва Мақсудовна каби 17 ўқувчи бир ўқув йили давомида мактабдан кетиб қолди. Мактаб директори Азиев ва ялғиз бўлим мудир Обидов ўртоқлар мактабдан кетиб қолган болаларнинг ҳаммасини уялмай-нетмай «20 ёшли» деб, синф журналларидан чиқариб юборганлар. Райондаги 6- етти йиллик (директори ўртоқ Холтёв), 4-ўрта (директори ўртоқ Ганиев) мактабларда

ҳам сабабига кетиб қолган ўқувчилар сон кўп.

Йилгўл районидagi 13-мактабнинг 24 ўқувчиси сабабига ўқиниш ташлаб кетди. Мактаб директори ўртоқ Мирзақудов бу болаларни ўқинишга тортиш чораларини кўриш ўрнига қалбик ҳужжатлаштириш йўлига ўтди. Ниёбосини қилпоқ советининг расис ўртоқ Мирзақудов аса мактаб директорининг нотўғри хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлади. У ўтган йили 30 ноябрда қилпоқ советининг 20 сонли қарорини чиқариб, 24 ўқувчини «катта ёшли бўлганликлари учун кечки колхозчи ёшли мактабга ўқатилсин» деган қарор билан мактабга қўйди. Ҳозир бу болалар кечки колхозчи ёшли мактабга ҳам ўқимайтир. Ҳақиқатдан мактабдан кетиб қолган ўқувчилар катта ёшли болалар эми? Йўқ, улар 5 бола 1-синф, 3 бола 2-синф, 5 бола 4-синф, 7 бола 5-синф, 9 бола 6-синф ўқувчилари, яъни 8-14 ёшдаги болалар эди. Райондаги 14-мактабда (директори ўртоқ Қўбуров) 25, 2-ўрта мактабда (директори ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи ўртоқ Асеров) 19 ўқув ёшдаги бола мактабга тортилмаган. Ёш сабабига баҳоналар билан мактаблардан кетиб қолган.

Қизини шундаки, област халқ маорифи бўлимининг ўртоқлар юренида аҳволи яхши билар эдилар. Нима учундир улар Охангарон (район халқ маорифи бўлимининг мудир, ўртоқ С. Ахмедов), Гулистон (район халқ маорифи бўлимининг мудир, ўртоқ И. Олламурадов), Корасун (район халқ маорифи бўлимининг мудир, ўртоқ А. Азиев) ва Янгийўл (район халқ маорифи бўлимининг мудир, ўртоқ Ш. Уразова) районларида умумий-мажбурий таълим ҳақидаги Қонуннинг бажа-

рилмаслик сабаблари ўрганилмади. Маъзур районларда бир неча марта бўлган инспекторлар иккинчи даражали ишлар билан машғул бўлишар.

Мактабдан сабабига кетиб қолган ўқувчилар Тошкент районидagi 11-ўрта (директори ўртоқ Ф. Умаров), Калинин районидagi 2-мактаб (директори ўртоқ Абдиев), шунингдек Бўка, Ховос, Ўрта Чирчиқ, Бекбод районларидagi бир қатор мактабларда ҳам қўллаб учрайди.

Ҳўш, нима учун кўпгина ўқув ёшдаги болалар мактабдан четда қолаятир?

Бунинг асосий сабабларидан бирини меҳнатқашлар депутатлари район Советлари ва уларнинг халқ маорифи бўйича доимий комиссияларининг мактаблар иши, айниқса, умумий-мажбурий таълим ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши билан нозли шуғулланмаётганликларидади. Оққўрғон район ижроия комитети (райис ўртоқ Иброҳимов) ўтган бир йил ичида ўз йиғилишларида бирон марта ҳам район мактабларида умумий-мажбурий таълим Қонунининг бажарилиш масаласини муҳокама қилмади, район советининг халқ маорифи бўйича доимий комиссияси мактаблар иши билан жуза кам шуғулланди. Натижада ўқув ёшларини 500 дан ортиқ бола қишдан четда қолди. Қизини шундаки, район халқ маорифи бўлимининг мудир, район советининг депутаты ўртоқ Х. Топиқлов ҳам 500 дан ортиқ болани ўқимай қолаятганлигидан ташвишланмаётир.

Сирдарё районидa мактабларга тортилсин лозим бўлган 8914 бола ўрнига 8414 бола тортилди. Ўқув йилининг ушбу давомида 116 бола ўқиниш ташлаб кетди. Районнинг Калинин қилпоқ советидagi ва Сирдарё посёнкасидagi мактабларда умумий-мажбурий таълим плагининг бажарилиш масаласида жуза ҳам ачинади аҳволи кўриш мумкин. Бироқ район ижроия комитетининг расис Абдушодилов ва район халқ маорифи бўлимининг мудир Ҳақимов ўртоқлар умумий-мажбурий таъ-

лим Қонунини бажариш учун қай-қайларга бундай аҳволини олаётганлигини бошқа район ижроия комитетларининг иш усулида ҳам кўриш мумкин.

Област мактабларида умумий-мажбурий таълим плагинининг бажарилаётганлигини яна бир сабаби базин районларда ўқув ёшдаги болаларни ҳисобга олишининг нотўғри қўйилишидир. Кўпичча бу муҳим масала ё фақат мактабларнинг ўқитувчиларига топшириб қўйилади, ёки қилпоқ советларининг хўжалик тадбирларидан кўчириб олинди. Районлар бўйича аса статистика бўлиминдан ўқув ёшдаги болаларнинг умумий сон олинди, шу асосда мактабларга мажбурий таълим плагини берилди. Натижада жойларда болаларнинг аниқ сони билан берилган плагин ўртасида жуза катта фарқлар келиб чиқди. Област халқ маорифи бўлиминдан берилган плагинга кўра, Калинин район мактабларининг 1—4-синфларида 3810 бола тортилсин керак эди. Амалда аса 4246 бола тортилган. Район бўйича умумий-мажбурий таълим плагини област халқ маорифидан берилган плагинга қараганда «ошириб» бажаришган. Ваҳоланки, маъзур райондаги бир қатор мактабларда ҳанузча мактабга тортилмаган ўқув ёшдаги болалар бор. Ўқув ёшдаги болаларни ҳисобга қилишдаги бунингдек чалқашликларга узул-кесил чқ қўйиш керак. Жойларда ўқув ёшдаги болаларни бўйхатга олиш ишнинг ўқимай қолаятганлигидан ташвишланмаётир.

Област районларида ўқув-тарбия ишини жуза ақин йўлга қўйган, политехник таълимни ўқув процессида кенг жорий қилмаётган, шу билан бирга ҳар йили умумий-мажбурий таълим ҳақидаги Қонунини бажарилиш учун катта аҳамиятга

СОВЕТ-АЛБАНИЯ САВДО МУНОСАБАТИГА ДОИР

Муваффақият билан тугаган музокара натижасида СССР Иттифоқи билан Албания Халқ Республикаси ўртасида 1957 йилда бир-бирларига товарлар етказиб бериш тўғрисида шу йил 23 февралда Москвада битим имзоланди.

Битим ўзаро етказиб бериладиган товарларни аввалги йиллардагига нисбатан анча кўпайтиришни кўзда tutди. Битимга мувофиқ, Совет Иттифоқи Албанияга бугдой, қора металллар, прокат, рангли металллар, автомашиналар, машина ва ускуналар учун запас қисмлар, до-ри-дармонлар ва Албания Халқ Ҳу-кумати учун зарур бўлган бошқа товарларни етказиб беради.

Совет Иттифоқи илгари берилган кредитлар ҳисобига 1957 йилда Албанияга троллейвор ва қишлоқ хўжалик машиналари, мелiorация ишлари учун керакли машиналар, ўғитлар, урунқилар зотли чорва моллар, нефть саноати учун керакли ускуналар, шунингдек гидро-электростанциялар курилишини бит-казмоқ учун керакли комплект ус-куна етказиб беради.

Албания аввалги йиллардаги сингари Совет Иттифоқига битум, мис, фанер, тамаки, зайтун ва бош-қа товарлар етказиб беради.

Битимни Совет томонидан ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, Ал-бания томонидан — фавақулда ва Мухтор Элчи М. Прифти имзола-дилар.

Совет ва Мўғул халқининг бузилмас дўстлиги

УЛАН-БАТОР, 23 февраль. (ТАСС). Мўғулустон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи билан Мўғулустон халқ республикаси ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тўғ-рисида 1946 йил 27 февралда ту-зилган шартноманинг 11 йиллигини кенг равишда нишонлашга тай-ёриланмоқдалар. Корхоналарда, му-ассасаларда, қишлоқ хўжалик бир-лашмаларида мўғул ва совет халқ-ларининг дўстлигига ва Мўғулустон Халқ Республикасининг ри-воқлишини учун совет ёрдамнинг аҳамиятига бағишланган кечалар ўтказилмоқда, лекция ва суҳбатлар ташкил қилинмоқда.

Мўғул газеталари бу воқеага катта эътибор беришмоқдалар. Саноат курилиши ва миллий кадрлар тай-ёрлашда совет мутахассисларининг ёрдами тўғрисида, илгор совет таърибаси ҳақида ва бошқа мате-риаллар босиб чиқаришмоқдалар.

Венгрия-Италия савдо битими

БУДАПЕШТ, 24 февраль. (ТАСС). Муваффақият билан ўтган музока-ралар натижасида ўзаро товарлар етказиб бериш тўғрисидаги Венг-рия-Италия савдо битимининг му-ддати 1957 йил 31 декабрчага узайтирилади ва экспорт ҳамда им-порт қилинадиган товарларнинг рўхбарлиги тасдиқланди.

Венгрия Италияга қишлоқ хўжа-лик маҳсулотлари ва саноат товар-лар, шу жумладан станоклар етказ-иб беради. Италия эса Венгрияга янмол, тўқимачилик саноати учун мис, мис купориси, бўғдалар, машина-лар ва бошқа товарлар етказиб бе-ради.

БМТ Бош Ассамблеясининг XI сессияси

Сийсий Комитетда Ғарбий Ириан масаласининг муҳокама қилиниши

НЬЮ-ЙОРК, 24 февраль. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг Сийсий Комитетида кеча эрта билан куш тартибдаги сўнги масала — Ғар-бий Ириан тўғрисидаги масала му-ҳокама қилина бошлаганини хабар қилинган эди. Индонезия, вақили Суджарво биринчи бўлиб сўзга чиқ-ди. У, Ғарбий Ириан тўғрисидаги масала бир қанча мамлакат, чунон-чи Афғонистон, Бирма, Камбоджа, Цейлон, Миср, Хиндистон, Индонез-ия, Эрон, Ироқ, Нордания, Ливан, Ливия, Покистон, Саудия Арабистон-ни, Сурия ва Яман томонидан Бош Ассамблеянинг муҳокамасига таъдм айтилганини айтди.

Ғарбий Ириан устидан бўлаётган жанжал, деди Суджарво, олти йил-дан буюн Индонезия билан Голланд-ия ўртасидаги муносабатларга пу-тур етказиб келмоқда. Ҳар иккала мамлакат ўртасида тузилган битим-да кўзда тутилган икки томонлама музокаралар Голландиянинг айби бил-ан барбод бўлди. Голландия Ғарбий Ириан устидан мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаб қолганини та-лаб этган эди. Бу ҳол ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада кескинлаштириб юборди.

Муҳокама қилинган масала, —

деди Суджарво, — кенг миқёсда олганда мустамлакачилик проблемасининг ҳал этилмаган қисмидир. Ғарбий Ириан тўғрисидаги масала БМТ му-ҳокамасига учинчи марта қўйилаёт-ганини таъкидлаб, Индонезия де-легати БМТ жанжални тинч ҳал этиш учун бутун кучларини сарф қи-лиши лозим, деди.

Индонезия делегати ишонч бил-дириб шунини айтдики, Сийсий ком-итет «манфатдор томонларга масала-ни тинч ҳал этиш учун кўпроқ ёр-дам бера оладиган резолюцияни иш-лаб чиқа олади. Индонезияга эмас, балки Голландия ҳам бунга умид боғласа керак, дунёнинг жузига кат-та бир қисми — Осиё ва Африка ҳам бундан умиддордир».

Суджарво Ғарбий Ириан Индонезиянинг таркибий қисми эканлигини ва унда яшовчи аҳоли индонезлар эканлигини таъкидлади. Умуман бу-тун мамлакат ва унда яшовчи барча халқлар ўз мамлакатининг муста-қиллиги учун курашиб келишди. Голландия ҳукуматининг Индонезия территориясининг бир қисмини унга топширишдан беш тортаётганини, деди Суджарво, Индонезия терри-ториясининг ана шу қисмида мустам-лакачилик ҳукмронлигини сақлаб

қолишга уринишдан бошқа бир нар-са эмас. Индонезия халқи бунга аз-ло рози бўлмади.

Суджарво сўзининг охирида Гол-ландия ҳукумати ўз позициясини ўзгартирди ва мустамлакачилик даъволаридан воз кечди, деб умид билдириди. У БМТни Ғарбий Ириан проблемасини тинч ҳал этиш учун ёрдам беришга даъват этди.

Суджарводан кейин Голландия вақили Схюрман катта мутқ сўзла-ди.

Унинг айтишича, Индонезия Ғар-бий Ириан устидан суверенитет ўр-натгани даъво қилиш учун ҳеч қан-дай асосга эга эмас эмиш, Бош Ас-самблея томонидан шу масала ўзи-сидан қабул қилинадиган ҳар қан-дай тавсия қандай мазмунда бўли-шидан қатъий назар, «Бош Ассам-блеянинг ҳақиқ бўлмаган ҳолда асо-сиэ аралашувини кўрсатган бўлур эди ва Голландиянинг территориял устуңлигини қонунга хилоф сура-та бузиш бўлур эди».

Голландия делегати ўз нутқининг охирида менинг ҳукуматим Ғарбий Ирианнинг келажак тақдир масала-си юзасидан Индонезия ҳукумати билан бирон музокара олиб бориш ниятида эмас, деди.

АНГЛИЯ-СОВЕТ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

ЛОНДОН, 25 февраль. (ТАСС). Англия-Совет дўстлиги жамияти-нинг раиси Джон Пэстес-Миллс Совет Иттифоқи билан муносабат-лар масаласи бўйича Британия кен-гаши комитетининг раиси К. Мейх-ьюга мактуб юборди, унда Англия-Совет маданий алоқаларини кен-гайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб кўрсатади.

«Мен, — дейилади мактубда, — маданий алоқаларнинг ҳозир су-су-либ кетиши қисқа вақт давом эта-ди деб ҳамма вақт ҳисоблаб келдим. Олдиндан айта қўйилган бу сўзлар ҳақиқатга айланаётганга ўхшайди. Жамиятимизнинг иккунга комитети ана шу масала юзасидан қабул қил-ган резолюциясининг копиясини сизга юборишни мендан илтимос қилади».

«Англия-Совет дўстлиги жамия-ти» Джон Хэммонд ва Гонстанс Шэдокнинг концерт бериш учун СССР га қилган сафарлари муваф-фақият қозонаётганини, август ойида инглиз ва совет енгил атле-тикачиларининг муносабатлари бў-лажаги тўғрисидаги хабарни, шу-нингдек корол балетининг Москвага боришга розилик билдирганини тўғрисидаги хабарни таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳар қандай маданий алоқаларни давом этдириш ва ривожлантиришни ақ-лаб Англиядаги сингари СССРда ҳам жузга кўп яхши фикрлар бил-дирилаётганини муносабати билан Англия-Совет дўстлиги жамияти Совет Иттифоқи билан муносабат-лар масаласи бўйича Британия кен-гаши комитетини ҳозирги сийсий келишмовчиликлардан қатъий на-зар бундай алоқаларни ташкил этиш соҳасидаги ишларни тиклашга чақиради.

Будапештда Совет Қуроли Кучларнинг 39 йиллигига бағишланган тантанали мажлис

БУДАПЕШТ, 23 февраль. (ТАСС). Бугун Будапештдаги, Венг-рия Халқ армияси театри биносида Совет Армияси ва Ғарбий-Денгиз флотининг 39 йиллигига бағишлан-ган тантанали мажлис бўлди. Маж-лисда Венгрия Революцион Ишчи Дехқон ҳукуматининг раиси Я. Ка-дар, Венгрия Халқ Республикаси президиумининг раиси И. Доби, Қуроли кучлар ва жамоат қаро-қорчилиги министри Ф. Мюнхс. Дав-лат мажлисининг раиси Ш. Ронаи, Венгрия социалистик ишчи пар-тияси Муваққат Марказий комитет-нинг аъзолари, пойтахт жамоат-чилиги ва меҳнаткашларининг ва-киллари ҳозир бўлдилар.

Венгрия Халқ Республикаси қу-роли кучлари министри Ф. Мюн-хс халаскор Совет Армиясининг 39 йиллиги ҳақида докла қилди.

Доклад Совет Армияси ва Совет Иттифоқи шарафига, Венгрия-Совет дўстлиги ҳамда социалистик лагерь мамлакатларининг бирлиги шара-фига қилинган гулдўрус қарасалар ва таърих хитоблари билан неча марта бўлиниб турди.

Тантанали мажлис охирида бе-рилинган катта концертда Совет Ар-миясининг А. В. Александров но-мидида Қизил байроқли ашула ва рақс ансамбли иштирок қилди.



24 февралда Тошкент Маданият саройларида ёшлар ва студент-ларнинг VI Жаҳон фестивалига бағишланган бал ва концертлари бўлди. Суратга: Темир йўлчилар Маданият саройининг бадиий ҳаваскорлари. Олдинда Холатов ва Нишонов ўроқлар ҳинд ашу-ласини ижро этмоқдалар.

А. Палехов фотоси.

Янги плакатлар

Ўзбекистон ССР Давлат нашриё-ти шу кунларда кўплаб серияда ранг-баранг плакатларни босиб чи-қармоқда. Плакатлар республика-миз меҳнаткашларининг маданий ҳаётини, саноат ва қишлоқ хўжа-лигига эришилаётган ютуқларини ўзида аке эттириши жиҳатидан ҳам диққатга сазовордир.

Яқинда нашриёт Мирзақўлагини бўз ва кўриқ ерларни ўзлаштириш учун отланган ватанпарвар ёшлар-нинг меҳнатда эришган ютуқлари бағишланган плакатларни нашр эт-ди. Булар орасида ёш расмлар А. Росаль томонидан маҳорат билан чизилган 2 плакат алоҳида ақра-либ турди. «В. И. Ленин васиятла-рига амал қилиб, Миллачўлини гу-дадан бог-бўстонга айлантирма!» деб аталувчи биринчи плакат ком-позициясидаги эпизодлар ҳаётини ва қизқарли чиққан. Плакатда инсон меҳнати биринчи планда берилди.

Нашриёт ёшлар ва студентлар-нинг VI Жаҳон фестивали муноса-бати билан ҳам кўпгина плакатлар чиқарди. Расмлардан Г. Ткачев билан В. Венскаларнинг ҳамкор-лигида ишлаган «Ёшлар фестивали-га таъйергарлик кўрмоқдалар» дегч плакати шулар жумласидир. В. Моргунов, М. Рехи, А. Венедиктов ва бошқа плакатчи-расмлар иш-тадан плакатлар маҳаллий Совет савдошларига бағишланган.

Ноннинг янги сортлари

Пойтахтимиздаги барча магазин-лар учун мажбурий асортимент белгиланган. Тошкентда 86 хил сортда ҳар хил нонлар пиширилади. Озарбайжон чурғи, гилза, оби, папир, ширмови нонлар, Москва, Уроқ, рус калачлари, пироги ва повидлол нонлар шулар жумласи-дандир. Шунингдек, пиширилаётган нонлар орасида пархас сортдаги нон-лар ҳам бор.

Нон ишлаб чиқаришни янада ях-шилаш мақсадида «Ўзбекбирош» ташкилоти 38 та янги нонбойхона-лар куришни планлаштирди. Нон-бойхоналар тез кун ичида фойдала-нишга топширилади.

Ишчи ёшлар мактабларида

Тошкентда кўпгина ишчи ёшлар мактаблари бор. Ҳозир уларнинг со-ни 34 га етган. Бу мактабларда 8 мингга яқин ишчи ёшлар таълим олимоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзи-дагина бу кечки мактабларни 1639 киши битириб, етулик аттестати олди. Кейинги 10 йил ичида ҳам-маси бўлиб ўзининг яқин ишчи ёшлар ишлаб чиқаришда ажралма-ган ҳолда, ана шу мактабларда ўқи-б, ўрта маълумот олди.

Тўқимачилик комбинати ҳузури-даги 20-ишчи ёшлар мактабида ўқув ишлари, айниқса, яхши таъ-кил этилган. Бу ерда ўзлаштиётган дарслар юксак савияда бўлиши би-лан бирга, ўқувчиларнинг давомати ҳам яхши. Комбинат дирекцияси иш-чи ёшларнинг бемалол ўқини учун барча шароитларни яратиб берган.

Студентлар практикада

Транспорт институтини студентлари ўзларининг институтда олган назарий билимларини ишлаб чиқариш корхоналарида практика билан му-стаҳкамламоқдалар. Масалан, инсти-тут механика факультетининг сту-дентлари Бағанович номлидаги паровоз-вагон ремонт заводида икки ой давомида ишлаб чиқариш процесси билан танишдилар. Институтнинг 26 кишидан иборат бўлган II курс сту-дентлари заводнинг чўян қуйиш пе-щига қуювчилик ҳунарини ўрганил-лар.

Студентлар завод ишчиларининг ёрдамида «Су» паровози цилиндрини учун ползун модели, паровоз тер-момини учун запас қисмлар ва турли хил қуввот шакллари формовка қи-лишни ўрганиллар.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Никита Симонович Рижовин СССР Енгия саноат министри вази-фасидан овоз қилиб, СССРнинг Туркиядаги Факультет ва Мухтор Элчини қилиб тайинлади.

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Борис Федорович Подцеро-вининг бошда ишта ўтганлиги муно-сабати билан ун СССРнинг Тур-киядаги Факультет ва Мухтор Эл-чини вазифасидан овоз қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига муво-фиқ ўртоқ С. Бухоров бошда ишта ўтганлиги муносабати билан Ўз-бекистон ССР Совхозлар министри вазифасидан овоз қилинди.

Редактор ўринбосари М. КОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/II да Май тўқнади, 27/II да Ҳамза.

НАВОИИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/II да Галъа, 27/II да Тохир ва Зухра.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 26, 27, 28/II ва 1/III да Ўзбекистон халқ ҳофиза Маъмуржон Узоков концертлари. Кеч соат 9 да бош-ланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШИРКИДА — 27/II да «Етти қувонқ» қизқич-қич группасининг гастроллари ча-валдолар, дорбозлар ва бошқа номерлар. Тошма кеч соат 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА: «РОДИНА» — кеч соат 5 гача ва кеч 11 да Павел Корчагин, кеч соат 5 дан кенг экранли Пролет.

«ИСКРА» — I ва 2-залла-кундуз ва кечурун Мисс Менд (3-серия). 3 залда — кундуз ва кечурун 1 ва 2-серия.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 7 гача Павел Корчагин, кеч соат 9 дан Этери қўшиги.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 8-гача Павел Корчагин, кеч соат 8 да Этери қўшиги.

Ф. ЖУРАЕВ.

Ижодий активлиқни кучайтириш керак

Ўзбекистон расмоларининг ажи-йиб бир традицияси бор эди — ҳар йили, куз пайтида республика ви-савакси уюштирилади. Бу вистав-када Ўзбекистон расмоларининг ижодий муваффақиятлари ва фео-лиятлариди камчиликлар ҳар томо-лама кўрсатилади. Ҳатто Улуғ Ва-хид уруши йилларида ҳам бу тра-диция давом эттирилган эди.

Лекин Ўзбекистон совет расмол-лари сови республика виставкаси-ни уюштириш учун ўтган йили ба-ҳорда, ҳатто расмоларнинг V съез-ди олдинда ёки съезддан кейин ҳам ҳеч қандай таъдирлар кўрмади. На-тижада бу традиция ўтган йили ба-рбод қилинди.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз ке-ракки, 1956 йилда янги, айниқса голий жиҳатдан бой ва юксак асар-лар жузга ҳам яратилди. Улар, ҳа-тто республика виставкасини ташкил қилишга ҳам етарли эмас эди. Янги асарларнинг бир қисми Ўзбекистон Давлат тасвирий санъат музейининг совет расмолари ижоди бўлимига қўйилди, қолган қисмидан эса Ўз-бекистон совет расмолари сови-биносиди кичкина виставка уюшти-рилди. Бу виставка ҳам асосан этюда, пейзаж ва катта аҳамиятга эга бўлмаган бошқа асарлардан ибор-ат бўлиб қолди.

Кейинги вақтларда Ўзбекистон совет расмолари сови асосан ин-дивидуал виставкаларни ташкил қи-лиш билан чегараланиб қолмоқда. Масалан, ўтган йилнинг сентябрь ойида ёш расмолар В. Зеликов ва М. Есениннинг ноябрь ойининг охи-рида республиканинг кеска расмол-ларидан бири М. Шероковнинг, шу йилнинг январь ойида эса А. Н. Волковнинг индивидуал виста-вакалари ташкил қилинди. Бу виста-вакаларда асосан Зеликовнинг кар-дос Қирғизистон ва Грузия респу-бликалари ҳаётини бағишланган,

Есениннинг Олтой ўлкаси темалари-га бағишланган ва Шероковнинг Хитой, Филиппин ва қисман Самарқанд е-ди-гилари аке эттирилган карти-наларни кўрсатади. Тўғри, бу кар-тиналарда Қирғизистон, Грузия ва Олтой ўлкасининг гўзал табияти, Хитой, Филиппин давлатларидаги шаҳарларнинг ҳамда Самарқанднинг кўпасиди тарихий ёдгорликлари ах-си тасвирланган. Бироқ, кейинги йилларда Ўзбекистонлик расмол-ларимиз серкўш республикасининг ажи-йиб табияти, меҳнатсевар ки-шиларни тўғрисида ҳам ёзмақдалар. Ўзбекистонининг пахтазор дала-лари, гўзал боғлари, гинган сано-ат корхоналари, уларнинг ижодида етарли ёритилмаётган.

Ўзбекистон совет расмолари со-ви томонидан ташкил қилинган бу индивидуал виставкалар, расмолар ижодидаги бирёқлама картиналар республикада тасвирий санъатини умуий ахлоқи ҳақида далил бўлмоқда, албатта.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг таъдирини муҳим, ҳаётини темаларда бағишланган йилнинг полотнолар, скульп-туралар ва бошқа жанрдаги карти-налар ҳал қилди. Бироқ, кейинги вақтда бундай асарлар кам яратил-моқда.

Ўзбекистон интеллигенцияси съез-дида айтиб ўтилганидек, республи-камидо тасвирий санъатининг Ком-мунистик партия ва халқимиз ти-лабларидан орада қозонаётганини оқловчи сабаблар йўқ. Расмолари-миз учун мавжуд имкониятлар яра-тилиб, ижодий командировкалар до-имо уюштириб турилса ҳам, бироқ катта аҳамиятга эга бўлган янги асарлар пайдо бўлмаётган.

Балки етук расмоларимизни муста-қило қиласак, кўпгина расмолари-миз, айниқса ёшлар муҳим ижодий вазибаларини бажармай келмоқдалар.

Балки расмолар эса ўз эскизлари-да бу вазибаларни кўтариш учун уринганлар. Лекин бу эскизлар кар-тина ёки полотно шаклида жузга ас-та-секин гавдаланмоқда. Масалан, ёш расмолар Т. Оганесов пахтакорлар ҳаётини олинган темада бир кар-тинани бошлаб, йилдан-йилга қўзиб келмоқда. Ваҳоланки, Оганесов бу картинани 1954 йилда тугатиши керак эди. Расмолар ҳам Т. Оганесов ҳақида жузга муҳим бўлган «Тинч ҳаёт» номи картинасини эскизга чиқиб, то шу вақтгача уни тугатмасдан келмоқда.

Расмолар совиининг живопись-секцияси йилбилан расмолар Рамоновнинг «Суворовнинг канику-л пайтида» номи картинасига чиқган эскизини бир неча марта муҳокама қилиб, авторга қимматли тақдирлар қилинган эди. Рамонов тақдирлар-ни қабул қилди, лекин ҳам тақдирлар катта устидида иш томонланган эмас. Ёш расмолар В. Волков эс-ўз картиналари билан виставкалар-да мултола қатнашмай келадир. Рамонов, Винер, Аринин сингари портретчи расмоларимиз ҳам кей-инги вақтларда янги асарлар яра-тишга етарлича асарлар беришма-йлар. Бу ҳолини бошқа ёш расмолар-имизда ҳам кўришимиз мумкин.

Тўғри, балки ўзиб келатган ёш расмоларимиз ўз устидарда кучи билан ишлаб, ҳаётимизни ҳар то-монлама чуқур ўрганиб, томонба-ларнинг диққатини жалб етдирил-бир қатор яхши асарлар яратдилар. Масалан, ёш расмолар Раҳим Аҳме-дов ўтган йили «Биринчи маош» кар-тинасини тугатиб виставкага топ-ширди. Бу картина Ўзбекистон рас-моларининг V съезидида юксак баҳо олди. Бундан ташқари Р. Аҳме-дов ўтган йили Фаргона ва Бухоро об-ластларида ижодий командировка-ларда бўлиб, Мўттижон Жумабоев,

Абдуғаффор Таштемиров, Паттихон Қайдаров каби республикамиз қиш-лоқ хўжалик илгорларининг пор-третлари устидида ишлади ва улардан баъзи бирини тугатиб, виставкага таъдирлади.

Ёш расмолар В. А. Фадеев ҳам од-дий меҳнаткаш қишлоқчиликнинг мазмунли ва ёрқин образларини яратиш устидида ишлади. Унинг кей-инги вақтда чиқган яхши портрет-ларидан бири «Дурадор портрети»-дир. Бу портретда серрайат, теа-кор, кушчақчақ кеска ўзбек ишчиси кўрсатилади. Фадеев Занининг сўн-ги портрети — «Қоровул хотин»да ишчилар скелдини қўриқлаб ўтир-ган кеска ўзбек аёлининг ажи-йиб образини яратди.

Кейинги йилларда тасвирий санъа-тида ҳаётимизнинг айрим ёмон то-монларини фаш етувчи танқидий асарлар пайдо бўлди. Республи-камизда шу темада ишланган асарлар-дан бири ёш расмолар М. Саидовнинг «Нормани топширмади» картинаси-дир.

Бироқ, Р. Аҳмедов ҳам, В. А. Фа-деев ҳам, М. Саидов ҳам асарлари-нинг илгари яратган 3-4 асарлари билангина чегараланиб қолдилар.

Ёш расмоларимизнинг бундай кам ижод қилишлари республика-сининг етук расмолари ҳам айб-лидир. Улар ёш расмоларга доимо ёрдам бериб, улар билан ижодий ҳамкорлик қилиш уқда турсин, ҳатто ўзлари ҳам пасивлик билан ижод қилмоқдалар. Масалан, расмол Абдулҳақ Абдуллаев илгари ўзи-нинг ажи-йиб портретлари билан ҳаммани қувонтирган эди. Лекин унинг кейинги вақтларда яратган бир қатор портретлари («Шоир Уй-ғир», «Қиз» ва бошқа портретлар) расмолнинг ижодий имкониятлари-дан паст турди. А. Абдуллаев ай-ниқса Ўзбекистон совет расмолари совиининг раис ўринбосари қилиб сайлангандан кейин, маъмурий ишларга берилиб кетиб, ўз ижоди-даги активлигини сувайтириб юбо-рди. Кейинги икки йил мобайнида